

PEDAGOGIK MAHORAT

ilmiy-nazariy va metodik jurnal

3/2017

MUNDARIJA-SODERZHANIE-CONTENTS

PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA

Болта ХЎЖАЕВ. Жамиятни демократиялаштириш шароитида ўқувчи-ёшларда фуқаролик маданиятини ривожлантириш.....	7
Зебо ТЎХТАЕВА. Олий таълимда талабаларнинг изланувчанлик қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари.....	14
Манзура УСМАНОВА. Педагогические условия формирования истинного авторитета учителя-воспитателя.....	17
Дилдора ДАВРОНОВА. Оилада ёшлар гоёвий-сиёсий маданиятини шакллантириш тизимини такомиллаштириш омиллари ва вазифалари	24
Мақсудахон ХАЛЛОҚОВА. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида бунёдкорлик фаолиятини шакллантириш вазифалари.....	29
Кобилжон АБДУЛЛАЕВ, Наргиза БОБОМУРОВОВА. Содержание начального образования у зороастрийцев.....	32
Акрам СУЛТОНОВ. Ўқитувчининг тарбияси қийин ўқувчилар билан жонли мулоқотини ташкил этиш.....	35
Миржон ҚЎЛДОШЕВ, Гулчирой САЪДУЛЛАЕВА. Шахс шаклланишида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг психологик механизмлари.....	38
Юрий ПРИХОДЬКО. Самоорганизация образовательных систем.....	42
Дилшод МАМАТОВ. Мустақил таълим – амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолият.....	48
Дилрабо МУКУМОВА, Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ. Содержание педагогического компонента профессионального образования как фактор формирования компетентности студентов ВУЗа.....	52
Дмитрий ШВЕЦ. Проблема прогностической компетентности правоохранителей.....	55
Николай БОНДАРЧУК. Особенности мотивации профессиональной деятельности сотрудников национальной полиции Украины	64
Елена ВАГИНА. Психологические особенности формулировки вопросов при проведении полиграфного опроса.....	71
Дилафруз ҚАРШИЕВА. Шахсда меҳнат кўникма ва малакалари шаклланишининг психологик жиҳатлари	77
Улуғбек ЖУМАЕВ, Нилуфар ҲАФИЗОВА. Бошланғич таълим самарадорлигини таъминлашда психик таракқиёт ва таълим интеграциясининг роли.....	80
Дилафрўз ТЎРАЕВА. Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ўқитувчисининг ўқувчилар гуруҳида ўзаро муносабатларни бошқариш услублари.....	83
Фарҳод РАХМОНОВ. Машқлар – ўқувчилар амалий малака ва кўникмаларини шакллантириш омилли сифатида	86
Гулноза ҚАРШИБОЕВА, Абдулла ШАРАФИТДИНОВ. Ўсмир шахси суицидал хулқ-атворининг диагностикаси ва коррекцияси.....	90
Санобар СИДДИҚОВА. Оила ижтимоийлашувнинг муҳим институти сифатида.....	94
Жасур МАЖИДОВ, Шерзод ЗАРМАСОВ, Лазиз ТЎРАҚУЛОВ. Лидер шахсининг психологик мезонлари.....	97
Шоира АХМЕДОВА. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов асарларида ҳозирги замон раҳбарлари олдига қўйилган талаблар.....	101
Зебо ҲАСАНОВА. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида ахлоқий-эстетик дунёқарашни ривожлантириш технологияси	107
Александр КЕРНИЦКИЙ. Методика подготовки студентов к субъект-субъектному взаимодействию: алгоритм разработки и результаты эксперимента.....	114
Дилмурод УМУРЗОҚОВ. Этник мансублик ижтимоий-психологик феномен сифатида.....	121

BOSHLANG'ICH TA'LIM

Алижон ҲАМРОЕВ, Шабон ФАРМОНОВА. Бошланғич синфларда давлат таълим стандартлари асосида она тили ўқитишни ижодий ташкил этиш.....	124
--	-----

IJTIMOIIY-GUMANITAR TA'LIM

Шодмон ҲАЙИТОВ, Рустам ЖУМАЕВ. Аҳмад Дониш шахси фаолиятини ўрганишнинг истиқлол даври тарихшунослигига доир.....	131
Шоҳида ИСТАМОВА. Аҳмад Донишнинг “Наводирул вақое” асаридаги тушлар баёни ҳақида мулоҳазалар.....	136



Анвар САТТОРОВ
Бухоро давлат университети
спорт кафедраси ўқитувчиси

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ КОММУНИКАТИВ ФАОЛИЯТИ

Ушбу мақолада бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида касбий маданиятни шакллантириш "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да давлат таълим сиёсати даражасида кўтарилганлиги ва бу муаммони ечиш имкониятлари очиб берилган. Шунингдек, мақолада жисмоний маданият ўқитувчиларининг коммуникатив фаолияти, эстетик тарбия орасидаги узвий боғлиқлик, алоқадорлик ёритилган.

Таянч тушунчалар: баркамол авлод, мутахассис, таълим тизими, жисмоний тарбия, жисмоний маданият, эстетик тарбия, бўлажак ўқитувчи.

В данной статье раскрыты возможности решения проблем формирования профессиональной культуры будущих учителей физической культуры выдвинутые на уровне государственной политики в Законе об образовании и Национальной программе подготовки кадров.

Опорные понятия: гармоничное поколение, специалист, система образования, физическое воспитание, физическая культура, эстетическое воспитание, будущий учитель.

This article reveals the possibilities of solving problems how to form the proficiency of future physical culture teachers, which leads to the level of Law state policy of Education and the National Personnel Training Program.

Supporting concepts: a harmonious generation, a specialist, an education system, physical education, physical culture, aesthetic education, a future teacher.

Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатида ҳозирги замон таълимидаги маданиятшуносликка (культурологик) йўналганлик, хусусан, педагог кадрларни тайёрлашга ижтимоий-педагогик ва давлат моҳияти жиҳатидан аҳамиятли урғу берилган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов ўз асарлари ва маърузаларида маданият ва маънавий омилнинг жамият, мамлакат, давлат тараққиётидаги ролини бир неча бор таъкидлаб ўтаган: "Ҳар бир давлат, ҳар бир миллат...ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир".

Жамиятнинг маънавий-маданият янгилиниши, баркамол авлоднинг тарбияси, фуқароларнинг янгидан шаклланиши ва шунинг учун ҳам таълим соҳасидаги мутахассислар замон талабларига жавоб беришлари лозим. "Халқ маънавияти ва маданиятининг мустаҳкамланиши ва ривожланиши – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим ғамхўрлигидир", – деб таъкидлаган эди И.А. Каримов.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да таълим ва тарбиянинг янги сифат даражасига ўтилиши биринчи даражали аҳамиятга эгаллиги кўрсатиб ўтилган. Модомики, "маънавият – инсон, халқ, жамият, давлатнинг куч-қуввати" экан, шу муносабат билан муаллим, ўқитувчи ва ўқитилаётганлар (ўқувчи, талаба) шахсининг маданият киёфаси; таълим соҳаси янги авлод мутахассисларининг касбий-педагогик маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, "аудиториядан ташқари машғулотларда тарбия ва таълимнинг турли шакллари амалий жиҳатдан йўқолиб кетган"лигига эътиборини қаратиб [3], И.А. Каримов "касбий таълимнинг янги тизими", "янги ўқув дастурларининг сифат жиҳатдан" қайтадан кўриб чиқилиши ва яратилиши, машғулотларнинг аудиториядан ташқари шаклларга эътиборни кучайтириш зарурлигини уқтирган. Бу, ўз навбатида, бўлғуси жисмоний маданият ўқитувчиларидан ушбу маданиятни ўз ўқувчиларида тарбиялашга эътиборни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да бўлғуси ўқитувчиларни тайёрлаш тизимининг такомиллаштирилиши устувор йўналиш сифатида белгиланган. Дастур педагогика фанидан халқ таълими

ходимлар
гик мулоқот
гогик маҳора
касбий-пахс
рибди. Чун
муваффақия
ният соҳасид
ғуси жисмон
лан чамбарчи
Ўзбекист
(ўқувчи, тал
вожлантири
лантириш за
ришнинг ку
лор, халқ пе
рилган.
Маънави
ҳида аҳами
тақил Ўзбе
маданиятни
сати дараж
Ўзбекис
ҳар бир ну
олиб борил
даражада б
он ёндашу
тиборни о
"Жисми
ганлар (ўқ
уларни тў
лишни тал
сий маъна
ўқув-тарби
лаштириш
тура, жис
ҳисоблана
асосий ко
лат ва жа
ларни тай
рувчиси
технолог
буюртма
Узлук
бой, ижт
шахсинин
тарбияни
Милл
аввало, м
"ўқув-ме
дидакти
жараённ
риш соҳ
ли техно
моқда.

ходимларининг касбий-шахсий маданияти муаммосини ечишни талаб этади. Унинг асосини педагогик мулоқот ташкил қилади ҳамда бўлғуси мутахассиснинг шахси, унинг касбий сифатлари ва педагогик маҳоратига алоҳида устуворлик берилади. Педагогик таълим олдида бўлғуси ўқитувчиларда касбий-шахсий муваффақиятнинг омили сифатида касбий маданиятни шакллантириш вазифаси турибди. Чунки педагогик мулоқот санъати ва ижодисиз ўқув-тарбиявий вазифа ҳамда муаммоларни муваффақиятли ечиш мумкин эмас. Педагог кадрларнинг касбий, шу жумладан, жисмоний маданият соҳасида, шаклланиши, педагогик-коммуникатив маданиятнинг шакллантирилиши билан бўлғуси жисмоний маданият ўқитувчиларида эса унинг ўзига хослиги, эстетик ва этик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълимининг долзарб вазифаларидан бири ўқитилаётганлар (ўқувчи, талаба) шахсининг жисмоний имкониятларини очиш ва уларни жисмоний жиҳатдан ривожлантириш ҳисобланади. Бунинг учун эса жисмоний маданиятнинг мустаҳкам асосларини шакллантириш зарур. Жисмоний маданият – шахснинг муҳим хусусиятлари ва сифатларини ривожлантиришнинг қудратли омилidir. Бу ғоя умумхалқ манба ва миллий-тарихий илдизларга эга: у фольклор, халқ педагогикаси, Шарқ мутафаккирлари асарларида, ҳозирги замон педагогикасида акс эттирилган.

Маънавий ва жисмоний тарбия ривожлантириш муаммоси ҳозирги замон таълим тизимида алоҳида аҳамиятга эга, қайси-ки, шахс омилга давлат микёсидаги мазмун сифатида қаралмоқда. Мустақил Ўзбекистонда соғлом авлод – ҳукуматнинг асосий ғамхўрлигидадир: талабаларда жисмоний маданиятни шакллантириш, ёш мутахассисларнинг жисмоний тарбияси бўйича ишлар “давлат сиёсати даражасига” кўтарилган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ва айтиб ўтилган ҳар бир нутқларида ёш авлоднинг жисмоний соғлигига, шу жумладан, бўлғуси мутахассислар билан олиб бориладиган билишга оид-маърифий ишларда, албатта, касбий-педагогик мулоқотнинг юқори даражада бўлишига (фаолиятнинг ўқишдан ташқариги шакллари, илғор технологиялар ва инновацион ёндашувлар, ўқитишнинг энг янги усуллари ва воситалари устунлигини кучайтириш билан) эътиборни оширишнинг зарурлигига урғу берилган.

“Жисмоний маданият бўйича замонавий Давлат таълим стандарти” (Базавий таълим) ўқитилаётганлар (ўқувчи, талаба)дан нафақат, жисмоний маданият тўғрисидаги тарихий-назарий билимлар, уларни тўғри талқин қилишни, балки жисмоний маданият-спорт соҳасининг этика-эстетикасини билишни талаб қилади. Давлат стандарти нафақат, маълум билимлар доирасини, балки шахснинг асосий маънавий ва ахлоқий фазилатларини регламентини белгилайди. Бу, ўз навбатида, самарали ўқув-тарбиявий жараёни ташкиллаштиришни талаб этади. Жисмоний жиҳатдан ўз-ўзини такомиллаштириш мотивлари ва эҳтиёжларини шакллантириш, манфаатларнинг ривожланишида физкультура, жисмоний маданият ва, хусусан, спорт соҳасидаги эстетикага эътибор бериш анча аҳамиятли ҳисобланади. Бунга кадрларни тайёрлаш миллий модели кафил бўлиб хизмат қилади. Моделнинг асосий компонентлари сифатида қуйидагилар кўрсатилган: шахс – субъект ва объект сифатида; давлат ва жамият – кадрларни тайёрлашнинг кафиллари сифатида; узлуксиз таълим – малакали кадрларни тайёрлаш негизи сифатида; фан – юқори малакали кадрлар – мутахассисларнинг ишлаб чиқарувчиси ва истеъмол қилувчиси сифатида, шунингдек, илғор технологиялар, шу жумладан, ахборот технологияларининг ишлаб чиқарувчиси сифатида; ишлаб чиқариш – сифатли тайёрланган кадрлар буюртмачиси сифатида.

Узлуксиз касбий (педагогик) таълим тизимида ҳар томонлама ривожланган, маънавий жиҳатдан бой, ижтимоий жиҳатдан фаол, интеллектуал-ижодий, касбий-креатив, коммуникатив-фаолиятли шахснинг шакллантирилиши назарда тутилмоқда. Шу жумладан, жисмоний маданият, жисмоний тарбияни шакллантиришда бой маданий меросга мурожаат қилиш назарда тутилади.

Миллий дастурда педагог кадрларнинг малакасини замонавий талабларга жавоб берадиган, энг аввало, маданий даражада оширишнинг муҳимлиги ва аҳамиятига урғу берилмоқда. Бунинг учун “ўқув-методик комплексларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, таълим жараёнини дидактик ва ахборот жиҳатдан таъминлаш”, “... ўқув-методик ... базани тайёрлаш”, ўқув-тарбиявий жараёни, айниқса, таълим тизимидаги бўлғуси ходимларнинг педагогик маданиятини шакллантириш соҳасида, “илғор педагогик технологиялар” билан таъминлаш зарурлиги уқтирилган. Предметли технологиялар, муайян-локал технологияларнинг янгиликлари (янги тартиблари) талаб қилинмоқда.

Шундай қилиб, жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий-шахсий дунёси ўзига хос, муайян мақсад-мазмунга эга бўлиб, шу билан биргаликда ижтимоий-йўналтирилган ва аҳамиятлидир. Асосийси, бўлгуси жисмоний маданият ўқитувчилари ўз қоммуникатив компетенциясини такомиллаштириши, мактабнинг ижтимоий-жисмоний маданияти, борлиқ ҳаётига кириб бориши ҳамда уларга ижодий ёндашувни ўзлаштиришидир.

Бўлгуси жисмоний маданият ўқитувчиси мактаб ўқувчиларида жисмоний қоммуникатив маданиятни шакллантиришнинг ўзига хос технологиялари, инновация методлари ва энг мақбул услублари ва усуллари, янги воситаларини топиши лозим – бунда унинг касбий маданияти, педагогик этикага асосланган педагогик мулоқот (мулоқот қондалари, меъёрлари, регламенти, масофаси, мазмуни, технологияси) маданияти катта ўрин ва аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 62.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлидан. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 72.
3. Каримов И.А. Биз бундан кейин ҳам бунёдкорлик ва яратувчилик йўлидан борамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б. 99.
4. Каримов И.А. Юқори малакали мутахассислар – тараққиёт гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б. 28.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. /Асарлар тўпла. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 20-30.
6. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. /Асарлар тўпла. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 32-61.
7. Нурманов А.Т. Подготовка студентов к технологии и технике эффективного общения. – Т.: Фан, 2010. – 110 с.

